



## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ИТАЛИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 26 апрель куни мамлакатимизда ташриф билан бўлиб турган Италия Республикаси мудофаа вазири Гвидо Крозеттони қабул қилди.



Ўзбекистон ва Италия ўртасидаги кўп қиррали муносабатларни янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Учрашув аввалида мудофаа идораси раҳбари Ўзбекистон етакчисига Италия Президенти Сержо Маттарелла

ва Вазирлар кенгаши Раиси Жоржи Мелонининг саломлари ва энг эзгу тилакларини етказди.

Икки томонлама ҳамкорликнинг бугунги юксак даражаси мамнуният билан қайд этилди. Конструктив сиёсий мулоқот ривожланиб бормоқда.

Кейинги бир неча йилда ўзаро савдо ва инвестициялар ҳажми икки баробарга ошди. Мамлакатимизда Италиянинг етакчи олий таълим муассасалари — Турин политехника ва Лиза университетларининг филиаллари фаолият юритмоқда.

Бўлажак олий даражадаги тадбирларга биргаликда тайёргарлик кўрилоқда.

Сўхбатда энергетика, шу жумладан, қайта тикланувчи энергетика, логистика, қишлоқ хўжалиги ва бошқа тармоқларда амалий ҳамкорлик

қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон ва Италия мудофаа идоралари ўртасида шериклик муносабатларини йўлга қўйиш муҳимлигини таъкидлади.

Минтақавий барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш, жумладан, Афғонистондаги вазиятнинг тинч йўл билан тартибга солиш масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

ЎЗА

## ТОШКЕНТДАГИ “ИННОПРОМ” КЎРГАЗМАСИНИНГ САМАРАЛИ НАТИЖАЛАРИ ҚАЙД ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан 26 апрель куни бўлиб ўтган телефон орқали мулоқотида амалий ҳамкорликни кенгайтириш, савдо муносабатлари суръатини таъминлаш ва етакчи корхоналарнинг кооперация лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш масалалари муҳокама қилинди.

Икки мамлакат етакчилари шу кунларда ўтаётган “ИННОПРОМ. Марказий Осиё” халқаро саноат кўргазмасининг самарали натижаларини катта мамнуният билан қайд этдилар. Ушбу тадбирда 35 мамлакат бизнесининг 5 минг нафардан зиёд вакили иштирок этмоқда.

Сўхбат чоғида автомобилсозлик, темир йўл транспорти, фармацевтика, кимё саноати ва бошқа устувор тармоқларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш муҳимлиги таъкидланди.

Саноат ипотекаси, кластерлар, индустриал ривожланиш жамғармаси

каби воситаларни такомиллаштириш борасидаги илғор тажрибани ўрганишдан манфаатдорлик билдирилди.

Минтақавий ҳамкорликнинг долзарб жиҳатлари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Мулоқот якунида Ўзбекистон Президенти Конституция буйича бўлажак референдумнинг Россия Федерацияси ҳудудида ўтказилишига кўрсатилган кўмак учун Россия Президентига самимий миннатдорлик билдирди.

ЎЗА

## КЕНГ КЎЛАМЛИ ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МУҲИМЛИГИ ТАЪКИДЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 26 апрель куни Осиё футбол конфедерацияси раҳбари Шайх Салмон бин Иброҳим Ал Халифани қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари Салмон бин Иброҳим Ал Халифани қитъа конфедерацияси президенти лавозимига қайта сайлангани билан самимий қўллаб-қўллашга алоҳида эътибор қаратилди.

Мамлакатимиз ва конфедерация ўртасида сермахсул ҳамкорлик олиб борилаётгани алоҳида таъкидланди. Футболни ривожлантириш, унга ёшларни кенг жалб қилиш, юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш буйича қўшма дастур ва лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Шайх Салмон бин Иброҳим Ал Халифа Ўзбекистонда ҳаваскор ва профессионал футболни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, замонавий инфратузилма ва ўқитиш базасини

барпо этиш борасидаги кенг кўламли ишларни юқори баҳолади. Мамлакатимизда ёшлар ўртасида Осиё чемпионатлари муваффақиятли ўтказилгани ва яқинда терма жамоамиз галаба қозонгани билан чин дилдан табриқлади.

Учрашув давомида Осиё футбол конфедерацияси билан амалий ҳамкорликни янада кенгайтириш, йирик тадбирлар, шу жумладан, хотин-қизлар ва ёшлар ўртасидаги биринчиликларни ташкил этиш ва ўтказиш, ушбу спорт турини оммалаштириш, илғор тажрибани жорий қилиш ва методологик ёрдам кўрсатиш, мураббийларнинг малакасини ошириш масалалари кўриб чиқилди.

ЎЗА

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### ЁШЛАРНИНГ БАНДЛИГИГА КЎМАКЛАШИШ ҲАМДА УЛАРНИ ДОИМИЙ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ёшларнинг мустақил ҳаётга қадам қўйишлари, ўз иқтидори ва салоҳиятини тўлиқ намоён этишлари учун шароитларни кенгайтириш, уларнинг бандлигига кўмаклашиш, доимий иш билан ҳамда муносиб даромад олишни таъминлаш борасида олиб борилаётган ислохотларни изчил давом эттириш мақсадида:

1. Белгиланган кўрсаткичларни, 2023 йил 1 майдан бошлаб 2025 йил 1 январга қадар иш берувчиларга (бюджет ташкилотлари, давлат корхоналари, устив жамғармаси (капитали)да давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар, шунингдек, ижтимоий солиқни 1 фоиз ставкада тўловчилар бундан мустасно) улар томонидан 25 ёшдан ошмаган **ҳодимлар** учун тўланган **ижтимоий солиқ суммаси Давлат бюджетидан тўлиқ қоплаб берилди.**

Бунда, ижтимоий солиқ суммаси ёш ҳодимлар олти ой давомида узлуксиз меҳнат фаолиятини амалга ошириши шарт билан еттинчи ойдан бошлаб қоплаб берилди.

2. Белгиланган, иш берувчиларга ижтимоий солиқ суммасининг қоплаб берилиши 2023 йилда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ажратиладиган трансфертлар ҳисобидан амалга оширилади.

3. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги 2024 йил ва 2025 йил учун Давлат бюджетини шакллантиришда ижтимоий солиқ ҳисоботи ортиб борувчи яқун билан ҳар ойда ҳисобот давридан кейинги ойнинг 15-санасидан кечиктирмасдан топширилишини инобатга олиб, 2024 йил ва 2025 йилнинг I чора-қўшимча қўшимчаларга ижтимоий солиқ суммасини қоплаб бериш ҳаражатларини алоҳида қаторда режалаштиришни назарда тутсин.

4. Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги билан биргаликда ушбу Фармон мақсади ва вазифаларини оммавий ахборот воситаларида ва Интернет тармоғида кенг ёритиш ишларини ташкил этсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 июлдаги “Иш берувчиларга улар томонидан 25 ёшдан ошмаган ҳодимлар учун тўланган ижтимоий солиқ суммасини давлат бюджетидан тўлиқ қоплаб бериш тартиби тўғрисида”ги қарорининг низомини тасдиқлаш ҳақида”ги 460-сон қарорига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

6. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2023 йил 26 апрель

## ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

### ҲУДУДЛАР ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЯНГИ ТИЗИМИ

Дунё, қолаверса, мамлакатимиз тарихидан озми-кўпми хабардор одам жуда яхши билади: ҳеч қайси бир даврда инсонга эътибор, унинг ҳаётини яхшилаш, фаровон келажагини бунёд этиш гоёси ҳозиргидек кун тартибидан энг биринчи вазифа сифатида қўйилган эмас. Президентимиз имзолаган ҳар бир фармон, қарор, ижрога қаратилган қонун ёки фармойиш, илгари сурилаётган ўнлаб ташаббус моҳиятида ана шу устувор гоё, таъбир жоиз бўлса, ҳаётбахш, жонбахш мақсадлар турганини ўзини юрт тақдирига дахлдор санаган ҳар бир инсон яхши билади ва эътироф этади.

▶ Давоми 2-бетда

**БУЮК ЎЗБЕК ЙЎЛИ**  
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI REFERENDUMI 2023  
**Биз ҳам тайёرمىз!**

Ота-боболаримиз қиш-қишлигини, ёз-ёзлигини қилиши керак, деб бежиз айтмаган. Бу галги қиш қишлигини қилди... Ўхшатиш ўринли бўлса, сўнгги ўн йилликлардаги қишларимиз ҳам жамиятимиз сингари бўлиб қолган, яъни уларда ҳам жўшқинлик, янгиликлар туриш илгари йўқолган эди. Атроф-муҳит, жумладан, одамларимиз табиатнинг ана шундай, бир маромли — турғун кечишига ўрганиб қолгани ҳам сир эмас. Неча йиллардан буюн илиқ келаётган қиш бу йил ҳам нари борса, уч-тўрт кунлик совуқ билан ўтиб кетадигандек туйилганди...

▶ Давоми 3-бетда



ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ХАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

ХУДУДЛАР ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЯНГИ ТИЗИМИ



Ботир ЗАРИПОВ, Бухоро вилояти ҳокими

Бошланғич 1-бета

Бу ҳаётбахш ғоя Президентимизнинг 2022 йил 20 декабрда Олий Мажлис ва ҳалқимизга йўлланган, бутун дунё ҳам-жамияти учун оғир кечган йил сарҳисоби, турли қийинчиликларга қарамай, юртимизда амалга оширилган ислохотлар самарасида эришилган натижалар таҳлилига бағишланган Мурожаатномасида ҳам муҳокама марказига қўйилган, энг муҳими, миллий иқтисодиётимизнинг жорий ва келгусидаги стратегик йўналишлари аниқ белгилаб берилган эди.

Мурожаатномада ҳудудлар ўртасидаги иқтисодий тенгсизликни қисқартириш, барча туман ва шаҳарларни бир маромда ривожлантириш бўйича янги ҳаётбахш муҳимлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Аслида давлатимиз раҳбари Президент лавозимига киришган илк кунларда ўртага қўйилган ва ўтган қисқа муддат ичида тобора шиддат ва суръат касб этаётган бундай ҳаётбахш ислохотлар қанчалик салмоқли натижалар бераётганига бугун гувоҳимиз. Энг муҳими, бу ислохот ва ўзгаришлар муайян ҳудуд билан чекланиб қолаётгани йўқ. Олис-яқин ҳар бир ҳудуд, вилоят, шаҳар, туман, маҳалла, овул, қишлоқ, аҳоли пункти, кўча бу ҳаётбахш ислохотлар билан қамраб олинган, ҳар бир хонадонга, ҳар бир юрtdошимиз қалбига умид ва ишонч кириб борапти.

Айниқса, аҳоли бандлигини таъминлаш, бундан ташқари яратиши, қўшимча иқтисодий қувватларни ишга тушириш, рақамли бошқарув тамойилларини жорий этиш, қишлоқ ҳўжалигида кластерлар фаолиятини йўлга қўйиш, маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш, ижро органларининг халқ олдидagi ҳисобдорлиги, давлат хизматлари кўрсатиши сингари ўта муҳим масалаларда мисли қўрилмаган натижаларга эришилгани, бошқарувнинг энг қуий тизим — маҳаллалар даражасига туширилгани, аҳоли мурожаатлари билан ишлаш ёндашуви-нинг тамомла янги ҳаётбахш муҳимлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Бугун юрtdошларимиз "Обод марказ", "Обод маҳалла" ва "Обод қишлоқ" дастурлари доирасидаги ишлар ҳаёт тарзимизни нечоғлиқ ўзгартириб юборганини, саёй-ҳаракатларимизга теран мазмун бахш этиб, янги марралар сари ундаётганини яхши билади.

ВИЛОЯТДА 1-ЧОРАК ЯКУНИДА САОАТ МАХСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИКАРИШ ҲАЖМИ ЎТГАН ЙИЛНИНГ ШУ ДАВРИГА НИСБАТАН 103,3 ФОИЗ КўПАЙГАН БўЛСА, ЖОНДОР ТУМАНИДА 112,8 ФОИЗ, ШОФИРКОН ТУМАНИДА 112,7, ОЛОТ ТУМАНИДА 112,3 ФОИЗ ҲАМДА ВОБКЕНТ ТУМАНИДА 110,5 ФОИЗ ЎСИШГА ЭРИШИЛДИ.

Айниқса, Президентимиз 2022 йил 25 октябрда имзолаган "2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарор туфайли катта-кичик ҳар бир гўшада бошланган бунёдкорлик ишлари самарасида халқимиз ҳаёти, турмуш тарзи, кайфияти тамомла ўзгариб бораётгани фикримиз исботи бўла олади.

Қарорда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида биригина Бухоро вилояти учун 843,6 миллиард сўм ажратилгани, маблаг жойлардаги энг муҳим муаммолар ечимига йўналтирилатгани, айниқса, қишлоқ инфратузилмасини яхшилашга жиҳдий эътибор қаратилаётгани бугун ўз самарасини бермоқда.

Бироқ давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, бу кам! Чунки тўхташга ҳаққимиз йўқ, вақт билан қадамба-қадам ҳисоблашиб илгариласамас, у биз билан ҳисоблашиб ўтирмайди, кўзлаган марраларимизга эриша олмаймиз.

Бугун мамлакатимизнинг ҳар бир нуқтаида ҳаётга татбиқ этилаётган, ҳудудлар ўртасидаги иқтисодий тенгсизликни қисқартириш, барча туман ва шаҳарларни бир маромда ривожлантириш бўйича жорий этилган янги тизим моҳиятида ҳам ана шундай ёруғ ва умидбахш режалар муҳассамдир.

Дарҳақиқат, ҳар бир ҳудуднинг муаммолари ва бу муаммоларни ҳал этишга ҳос ўз драйверлари бор. Бу драйверларни аниқлаш ва ишга солиш — муаммоларни ечишнинг энг мақбул йўли.

Президентимизнинг 2022 йил 30 декабрдаги "Республика ҳудудларини тоифаларга ажратиш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг табақалаштирилган тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони бу борадаги муаммоларга ечим топиш билан боғлиқ ўзига ҳос дастуруламалардир.

Фармон асосида Бухоро вилоятидаги шаҳар-туманлар ҳам тоифаларга ажратилиб, иқтисодий ривожланиш тамойиллари белгилаб берилди.

1-тоифа: тадбиркорлик учун ҳар томонлама ривожланган ҳудудга — Бухоро шаҳри;

2-тоифа: инфратузилмаси яхши бўлган ҳудудларга — Когон шаҳри, Когон, Қоровулбозор ва Ромитан туманлари;

3-тоифа: шароити нисбатан қонуқарли бўлган ҳудудларга — Бухоро, Гиждувон ва Қорақул туманлари;

4-тоифа: жозибадорлиги етарли бўлмаган ҳудудларга — Вобкент, Жондор, Олот, Пешкў ва Шофиркон туманлари киритилди.

Жорий йилнинг ўтган даврида вилоятдаги 4-тоифага мансуб туманларда янги-чандашув асосида тадбиркорлар учун жорий этилган имтиёзлар, уларни қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирлар ўз самарасини берди.

Жумладан, жорий йил биринчи чора-ғи якуни бўйича Жондор туманида 132, Вобкент туманида 98, Олот ва Шофиркон туманларида 73 тадан ҳамда Пешкў туманида 71 та янги кичик бизнес субъекти ташкил этилди.

Вилоятда 1-чорақ якунида саноат махсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 103,3 фойз кўпайган бўлса, Жондор туманида 112,8 фойз, Шофиркон туманида 112,7, Олот туманида 112,3 фойз ҳамда Вобкент туманида 110,5 фойз ўсишга эришилди.

Қурилиш ишлари ҳажми ўсиш суръати 103,1 фойзга етган бўлса, Жондор туманида 108,0 фойзини, Вобкент туманида 107,6, Шофиркон туманида 105,1, Олот туманида 104,9 фойзини ҳамда Пешкў туманида 103,3 фойзини ташкил этди.

Хизмат кўрсатиш кўрсаткичи ўсиш суръати 109,9 фойз, Пешкў туманида эса 123,1 фойз бўлди.



33 та иш ўрни ҳамда Шофиркон туманида умумий қиймати 20,7 миллиард сўм бўлган 15 та лойиҳа ишга тушиши ҳисобига 53 та иш ўрни яратилди.

Жумладан, Жондор тумани "Атели" маҳалла фуқаролар йиғинида "Ислоҳот-98" фермер ҳўжалиги томонидан умумий қиймати 1,8 миллиард сўм бўлган "Маиший хизмат кўрсатиш комплексини ташкил этиш" лойиҳаси орқали 20 та иш ўрни, Вобкент тумани "Работочун" маҳалла фуқаролар йиғинида "LUX PET PLAST" МЧЖ томонидан умумий қиймати 10,8 миллиард сўм бўлган, йиллик қуввати 350 минг донга турли ўлчамдаги пластмасса идишлар ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга ошириш орқали 10 та иш ўрни, Олот тумани "Бунёдкор" маҳалла фуқаролар йиғинида "ASLBEK DIYORA FAYZ" хусусий корхонаси томонидан умумий қиймати 4 миллиард сўм бўлган "Умумий овқатланиш шохобчасини ташкил этиш" лойиҳасини амалга ошириш орқали 5 та иш ўрни, Пешкў тумани "Навбахор" маҳалла фуқаролар йиғинида "PESHKO" NURAFSHON TRANS" МЧЖ томонидан умумий қиймати 1,5 миллиард сўм бўлган "Мебель сотиш дўконини ташкил этиш" лойиҳасини амалга ошириш орқали 5 та иш ўрни, Шофиркон тумани "Хўжа Ориф" маҳалла фуқаролар йиғинида "Захратун маркет 02" МЧЖ томонидан умумий қиймати 3,5 миллиард сўм бўлган "Болалар ўйингоҳи ва умумий овқатланиш шохобчасини ташкил этиш" лойиҳасини амалга ошириш орқали 7 та иш ўрни яратилишига муваффақ бўлинди.

Шу ўринда яна бир муҳим масала. Фарматта тадбиркорлар учун субсидия, кредит ва компенсациялар тоифалардан келиб чиқиб ажратилиши, улар учун солиқ ставкалари ҳам ҳар хил бўлиши белгиланган. Бу имтиёзлар, ўз навбатида, ривожланиши суғ ҳама шароити оғир туманларга тадбиркорларнинг инвестиция киритиши ва у ерда ишлаб чиқариш саноатини ташкил этишига замин яратди.

Ишонч қилган ҳам ҳар хил бўлиши белгиланган. Бу имтиёзлар, ўз навбатида, ривожланиши суғ ҳама шароити оғир туманларга тадбиркорларнинг инвестиция киритиши ва у ерда ишлаб чиқариш саноатини ташкил этишига замин яратди.

Вилоятда янги йўналишдаги вазифалар ижросига ҳам киришилди. Айниқса, туртинчи тоифага кирувчи Олот, Вобкент, Пешкў, Жондор ва Шофиркон туманларига бир қатор солиқ имтиёзлари берилди.

Жумладан, юридик шахслардан олинмаган мол-мулк ва ер солиғи бўйича белгиланган энг кам қийматларга 0,3 гача ҳамда яқка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган миқдордаги жисмоний шахслардан олинмаган даромад солиғи бўйича 0,5 гача камайтирувчи коэффицент киритиш ҳуқуқи берилди.

4-тоифадаги туманларда рўйхатдан ўтган ва шу ҳудудларда фаолият юрtdагидан тадбиркорлик субъектлари учун айланмадан олинмаган солиқнинг базавий солиқ ставкаси 3 фойз этиб белгиланди.

Юридик шахслардан олинмаган мол-мулк ва ер солиғи бўйича 2,5 миллиард сўм, қатъий белгиланган миқдордаги жисмоний шахслардан олинмаган даромад солиғи бўйича 0,3 миллиард сўм ва айланмадан олинмаган солиқ бўйича 1,7 миллиард сўм тадбиркорларнинг ўз ихтиёрида қолдирилди. Бу эса тадбиркор янада қаддини кўтарди, янги лойиҳаларни ишга туширади ва, энг муҳими, янги иш ўринларини яратиб, аҳоли бандлигини таъминлашда давлатга қўмакчи бўлади, деганидир.

Бироқ ҳудудлар ўртасидаги иқтисодий тенгсизликни қисқартириш, барча туман ортидан жуда катта ўзгаришлар, хусусан, давлатимиз ва хориждаги ватандошларимиз ўртасидаги ришталарни янада мустаҳкамлаш йўлида ўнлаб ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Уларнинг манфаати ва ҳимояси учун улкан ресурслар сафарбар этилади.

Абдулборий РАҲИМОВ, Сирож Солиҳ жомеъ масжидининг рамазон ойда тарових намозларини ўтказиш учун АҚШга борган имом хатиби: — Ўзбекистон мусулмонлари идораси кўмағида ва ватандошларимиз тақдирини қўллаб-қувватлаш мақсадида тадбиркорларимизга қўшимча маблағни таъминлаш, деган ҳаётбахш ғоянинг амалий ифодаси, меҳнаткаш ва бунёдкор халқимизнинг кўп йиллик орзулари рўёбидир. Бу борадаги масъулигимиз ва ғайратимиз ўз олдимизга қўйган юксак марраларни забт этишнинг энг самарали ва адолатли йўлидир.

КОНСТИТУЦИЯГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ БЎЙИЧА МУДДАТИДАН ОЛДИН ОВОЗ БЕРИШ ЖАРАЁНИ ЯҚУНЛАНДИ

19-26 апрель кунлари мамлакатимизнинг чет давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари ҳузурида ташкил этилган референдум участкаларида Ўзбекистон конституциявий қонуни лойиҳаси бўйича референдумда муддатидан олдин овоз бериш жараёни бўлиб ўтди.

Референдумда фуқароларимиз очик-ошкора, қонунийлик талабларига мувофиқ тарзда овоз бериш жараёнида муносиб иштирок этди. Ватандошларимиз Ўзбекистон Конституциясига киритилаётган ўзгариш ва қўшимчалар билан танишиб, ушбу масала бўйича ўз овозларини берди.

Энг яқин референдум сайлов участкалари ҳақидаги маълумотни "Дунё" АА томонидан ишлаб чиқилган ва 90,5 мингдан ортқ киши фойдаланган участка сайлов комиссиялари манзилларининг электрон харитасидан олиш мумкин бўлди.

Участкалар референдумга оид қонуни ҳужжатлари ва ҳуқуқий ахборотномалар, плакатлар, стационар қўтилар, махсус кабина ва бошқа керакли жиҳозлар билан тўла таъминланди.

Илк сайловчи ватандошлар Россиянинг Камчатка ўлкаси ва Узоқ Шарқ федерал округининг "Восточный" космодромида маҳаллий вақт билан соат 09:00 да (Тошкент вақти билан соат 02:00 да ва 05:00) ўз овозларини берди.

Тошкент вақти билан эрталаб соат 5:00 да Жанубий Кореянинг Чонжу, Коже, Пчон шаҳарларида ташкил этилган муддатидан олдинги референдум ўтказиш жойларида овоз бериш жараёни қизгин руҳда бошланди.

конституциявий ҳуқуқларидан фойдаланиши учун зарур шароит яратилди.

АҚШнинг Виржиния ва Мэриленд штатларида, Орланда (Флорида штати), Сан-Франциско, Нью-Йорк ва Довере (Нью-Жерси штати) шаҳарларида яшаётган юрtdошларимиз ҳам Ўзбекистон конституциявий қонуни лойиҳаси бўйича муддатидан олдин овоз бердилар.

Ушбу сиёсий тадбирлар доирасида ватандошлар билан ҳамкорликда маданий-маърифий анжуманлар ўтказилди. Жумладан, АҚШда Виржиния ўзбек маданият марказининг очилиш маросими ташкил этилди.

Маросимда Ўзбекистоннинг АҚШдаги элчиси Фуқрат Сидиқов ва Ўзбекистон мусулмонлари идораси вакили иштирок этди. Ўзбекистон вакиллари маросимдаги чиқишларида ушбу марказ Виржиния, Мэриленд штатлари ва Вашингтон шаҳрида истиқомат қилаётган юрtdошларимизни ўз атрофида жиғлаштиришга, улар иштирокида турли маданий-маърифий тадбирлар уюштиришга, она тилимиз, маданиятимиз, урф-одат ва тарихий меросимизни ёшлар ўртасида кенг тартибда таълим қилишнинг таъкидландилар.

Муддатидан олдин овоз бериш кунлари, шунингдек, Ўзбекистоннинг Австралидаги элчихонасида ватандошлар иштирокида давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбир мамлакатимиз ҳаётининг барча жаҳаларидаги кенг қуламли ўзгаришлар, эришилаётган натижалар ва конституциявий ислохотга бағишланди.

Иштирокчилар юртимиздаги конституциявий ислохотни юқори баҳолаган ҳолда, у давлатимиз раванки ва халқимиз фаровонлиги йўлида мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилишини қайд этди.

Референдум участка комиссиялари аъзоларининг маълум қилишича, ватандошларимиз кўпча сайлов пунктида яратилган шароитларни юқори баҳолашди ҳамда улар юртимиздаги кенг қуламли ўзгаришлар, янги тахрирдаги Конституцияимизнинг мазмуни ва унга киритилаётган ўзгаришлар моҳиятини чуқур англашларини намойиш этдилар.

Умид ИСМАТУЛЛАЕВ, АҚШдаги "Uzbek Society of USA" ўзбеклар жамияти раҳбари:

— Она юртимиз Ўзбекистон ҳаётидаги муҳим сиёсий воқеа — Асосий қонуни-мизга ўзгаришлар киритишга бағишланган референдумда муддатидан аввал овоз бериш жараёнининг ватандошларимиз зич жойлашган ҳудудлардан бири Нью-Жерсида дам олиш кўни ўтказилиши фуқароларимизга жуда катта қулайлик ва уларнинг фаол иштироки учун замин яратди. Қайд этишни хоҳлардимки, ватандошларимиз мазкур жараёнда кўтаринки кайфият, ўзгача иштиёқ ва хурсандлик билан қатнашди. Бунга сабаб янги тахрирдаги Конституцияимизга давлатнинг хориждаги ватандошлар билан алоқаларини сақлаб қолиши ва уларга гомқорлик қилиши тўғрисидаги алоҳида норма киритилишидир. Ишончим комилки, бу икки мисранинг

ортидан жуда катта ўзгаришлар, хусусан, давлатимиз ва хориждаги ватандошларимиз ўртасидаги ришталарни янада мустаҳкамлаш йўлида ўнлаб ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Уларнинг манфаати ва ҳимояси учун улкан ресурслар сафарбар этилади.

Шаҳзодбек АЗИМОВ, Вена давлат университети талабаси:

— Ўтказилган тадбир давлатимиз томонидан хорижда истиқомат қилаётган ватандошларимизга, жумладан, талабаларга кўрсатилаётган алоҳида эътибор намунаси бўлди. Унда иштирок этганлар мамлакатимиздаги ислохотларга берафқ эмаслигини намойиш этдилар. Элчихона ҳудудида муддатидан олдин овоз бериш ташкил қилинган 30 апрель куни референдумда қатнаша олмайдиган юрtdошларимизга қулай имкониятлар яратди. Барча ватандошларимизни ушбу жараёнда фаол иштирок этишга чақириб қолам.

Раъно ХУДОЙНАЗАРОВА, Деҳлида бўлиб турган ватандошчимзи:

— Уйимдан узоқда бўлишимга қарамай, референдумда муддатидан олдин овоз бердим. Бунинг учун мамлакатимизнинг Деҳлидаги элчихонасида барча шароит яратилган.

Ўзбекистоннинг хориждаги дипломатик ваколатхоналари чет давлатларда доимий ва вақтинча истиқомат қилаётган ватандошларимизни 30 апрель куни бўладиган референдумда фаол иштирок этишга ҳамда ўз конституциявий ҳуқуқларидан фойдаланишга чақирди.







## НУҚТАИ НАЗАР

# O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI REFERENDUMI 2023



**Ахтам ҲАЙТОВ,  
Олий Мажлис Қонунчилик  
палатаси Спикери  
ўринбосари**

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси конституциявий ислохот ташаббусини бир овоздан ёқлаб чиқаришда ана шу жиҳатлари инobatта олиб ҳаракат қилган эди. Чунки қабул қилинган 30 йилдан ошган амалдаги Бош қонун меъёрлари давр шиддатини тўлиқ акс эттиролмай қолётган. Ҳатто партияимиз электорати манфаатларини ишончли муҳофазалаш ҳам янги Асосий қонунга эҳтиёжни кучайтираётган.

Конституциявий комиссия томонидан қарийб бир ярим йил оралиғида халқимизнинг хоҳиш-истаги, тақлиф ва мулоҳазалари инobatта олинган ҳолда тайёрланган, қизгин муҳокамалардан сўнг Олий Мажлиснинг ҳар иккала палатасида қабул қилинган янги таҳрирдаги Конституция амалдагисидан 65 фойиз ўзгаргани, моддалар ва нормалар сезиларли равишда ошгани ҳам бежиз эмас.

Уларнинг ҳар бири “Инсон қадрини унун” гоёсига мослиги нуктаи назаридан

Муайян қонун-қоидаларсиз жамият бўлмаганидек, Конституциясиз давлатни тасаввур қилиш мушкул. Чунки у ҳар бир мамлакатнинг Асосий қонунини саналади. Қонунларга таянган мамлакат раванқ топади. Қонунларга итоат қилган халқ фаровонликка эришади. Бунинг учун Конституция меъёрлари ҳам замон талабларига, глобаллашув чақириқларига жавоб бериши зарур. Инсон қадрини ва шаънининг ҳимояси кафолатланган бўлиши, меҳнат қилиш ва даромад топиш, мулкдор бўлиш ва мулкка эгаллик ҳуқуқи таъминланиши лозим.

қайта-қайта ҳуқуқий экспертизадан ўтказилган диққатга сазовордир. Бу жараёнда юртимизнинг етук мутахассислари баробарида чет эллик экспертлар ҳам фаол иштирок этди. Ҳар бир сўзни қўллаш юзасидан баҳслар қизгин кечди. Пировардида, лойиҳанинг чин маънода халқ Конституцияси мақомига кўтарилишига эришилди.

Юқоридаги фикрлар тасдиғини модала-модда таҳлил давомида ҳам яққол кўриш мумкин. Мисол учун, 65-моддада “Ўзбекистоннинг фуқаролар фаровонлигини оширишга қаратилган иқтисодиётнинг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этиши, давлат бозор муносабатларини ривожлантириш, ҳалол рақобат учун шарт-шароитлар яратиши, истеъмолчининг ҳуқуқларини устуворлигини ҳисобга олган ҳолда иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини кафолатлаши” ўз аксини топмоқда. Шу модданинг кейинги қисмида эса “Ўзбекистон Республикасида барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиниши таъминланиши” қатъий белгилаб қўйилмоқда.

Тўғри, хусусий мулк дахлсизлиги билан боғлиқ норма амалдаги Конституцияда ҳам мавжуд. Бироқ унда мулкдорни ўз мол-мулкидан маҳрум этишда суд қарорига асосланишига жиддий ургу берилмагани сабаб турлича талқинлар юзга келаётган.

Партияимиз электорати таъбири билан айтганда, ушбу меъёрни қўллашда маҳаллий ҳокимият қарорларига устуворлик бериб келинаётгани сир эмасди. Янги таҳрирдаги Конституция ҳаётга жорий этилган, бундай ҳолатларга тўлиқ барҳам берилади.

Мулкдор ўзига тегишли мол-мулкка ўз хоҳишича эгаллик қилиши, фойдаланиши ва тасарруф этишини ифодаловчи кейинги модда ҳам янги норма билан тўлдирилгани эътиборга молик. Эндликда “мол-мулкдан фойдаланиш атроф-муҳитга зарар етказмаслиги, бошқа шахсларнинг, жамият ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонуний манфаатларини бузмаслиги керак”лигига оид норма Асосий қонунга киритилмоқда. Ҳўш, бу нимани аналатади? Қўрагимизки, айрим мулкдорлар томонидан атроф-муҳитга зарар етказиш (даракларни кесиб, ҳавони ифлослантириш ва ҳоказо) кун мавзусига айланиб, кўп ҳолларда аҳоли норозилигига сабаб бўлаётди. Яъни мулкдор бўлиш ҳуқуқи ўзганинг тоза табиатга бўлган ҳуқуқини чекламаслиги даркор.

“Давлат қўлай инвестициявий ва ишбилармонлик муҳитини таъминлайди”, дея бошланувчи 67-модда ҳам тўлиқ партияимиз электорати манфаатларига хизмат қилади. Зеро, унинг кейинги қисмида “Тадбиркорлар қўнунчиликлари мувофиқ ҳар қандай фаолиятни амалга оширишга ва ўз фаолияти йўналишларини мураккаб равишда танлашга ҳақли”лиги принципи



ўз ифодасини топган. Ўзбекистон ҳудудида иқтисодий макон бирлиги, товарлар, хизматлар, меҳнат ресурслари ва молиявий маблағларнинг эркин ҳаракатланиши кафолатланиши қайд этилган.

Янги таҳрирдаги Бош қонунимизнинг 68-моддасида “ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий ресурслар умумийлик бўйлиқ” ҳисобланиб, улардан оқилона фойдаланиш зарурлиги ва улар давлат муҳофазасида экани таъкидланган. Ер қонунда назарда тутилган ҳамда ундан оқилона фойдаланишни ва уни умумийлик бўйлиқ сифатида муҳофаза қилишни таъминловчи шартлар асосида ва тартибда хусусий мулк бўлиши мумкин.

Ерни хусусийлаштиришга рўхсат этилиши билан боғлиқ норма Конституцияда киритилаётгани жуда катта янгиликдир. Узоқ йиллар мобайнида Ўзбекистонда ерга

нисбатан хусусий мулк ҳуқуқи тўлақонли жорий этилмагани ҳақиқий мулкдорлар қатлами етарлича шаклланишига, ернинг товар сифатида бозор муомаласига киритилмаслигига ҳамда ҳорижий инвесторларнинг миллий иқтисодиётга нисбатан ишончи пасайишига олиб келди. Шу боис, ушбу норма янги таҳрирдаги Конституциядаги иқтисодий ўзгаришлардан бири сифатида мулкчилик муносабатларини ривожини ойдин йўлга олиб чиқади.

Ернинг хусусий мулк сифатида эътироф этилиши партияимиз электоратининг салмоқли қисмини ташкил этувчи фермерларга ҳам тараққиёт эшикларини очиб бериши шубҳасиз. Зотан, хусусийлаштирилган ер участкаси мулкдори ерни сотиш, ҳада қилиш, айирбошлаш, гаровга қўйиш, мерос қилиб қолдириш каби ҳуқуқларни қўлга киритади.

Хусусий мулк бўлган ерни давлат фақат мулкдорнинг розилиги билан, шартнома

## АНЖУМАН

# ИҚТИСОДИЙ БАҲҚАРОРЛИК ТАЯНЧИ

## Пойтахтимизда II Тошкент халқаро инвестиция форуми бошланди

Иқтисодиётда инвестициялар улушининг ортиши ривожланиш жадаллашувига хизмат қилади. Яъни ҳар қандай соҳада самарадорликни ошириш учун ташқи сармоя зарур. Бу сармояни эса инвестор киритади. Шу жиҳатдан, миллий иқтисодиётни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, юқори баҳқарорлик ва мутаносиб иқтисодий ўсишни таъминлашда инвестицияларнинг ўрни муҳим.

Сўнгги йилларда ҳорижий инвесторларнинг юртимизга қизиқиши ортиб бормоқда. Буни мамлакатимиз иқтисодиётига киритилаётган ҳорижий инвестициялар ҳажми охириги йилларда ўн баробар ошиб, қарийб 40 миллиард долларга етгани мисолида ҳам кўриш мумкин. Бу, биринчи навбатда, диёримизда кулай инвестицион муҳит яратилгани билан боғлиқ бўлса, бошқа томондан, иқтисодиётимиздаги ривожланиш кўрсаткичи кескин ўсиб бораётганини дунё ҳамжамияти ҳам эътироф этаётганининг тасдиғи.

Биргина мисол, пандемия авж олган даврда ташқи бозорлардаги оғир вазиятга қарама-қарши, мамлакатимиз иқтисодий ўсишининг иқтисодий динамикасини сақлаб қолди. 2021 йилда бу кўрсаткич 7 фойиздан ошди. Хусусий бизнесни қўллаб-қувватлаш энг муҳим вазифалардан бирига айланиб, ўтган даврда солиқларнинг умумий сони 13 тадан 9 тага қисқарди, айрим солиқ ставкалари эса 2 баробар туширилди.

Шу каби қўллаб-қувватлаш ҳорижий сармоядорларни юртимизга фаол жалб этмоқда. Йирик ҳамкорлик битимлари имзоланиб, барча соҳаларда инвестицион лойиҳалар амалга оширилляпти. Мамлакатимизда мунтазам ўтказилаётган халқаро анжуман, кенг кўламли тадбирлар эса аксарият ҳамкорлик келишувлари учун самарали майдонга айланаётди.

## Дастлабки муваффақият кейинги қадам асоси

Гап ўтган йили юртимизда илк бор ўтказилган катта тадбир — Тошкент халқаро инвестиция форуми ҳақида бормоқда. 2022 йилнинг 24–26 март кунлари бўлиб ўтган ўша халқаро форум дунёнинг 56 давлатидан 2 мингдан ортиқ иштирокчи — инвестор ва юқори мартабали меҳмонларни пойтахтимизда жамлади. Нуфузли меҳмонларга мезбонлик қилган тадбир йирик тадбиркорлик анжумани сифатида эътироф этилди ва ҳорижий оммавий ахборот воситалари эътиборидан ҳам четда қолмади.

Умуман, форум доирасида имзоланган лойиҳалар барча соҳалар ривожига етакчи ўрин тутди. Шу боис, халқаро анжуманининг жорий йил ўтказилаётган навбатдаги тадбирларига жиддий ҳозирлик қўрилди. 27–28 апрель кунлари пойтахтимиз II Тошкент халқаро инвестиция форуми меҳмонларига ўз эшикларини очди.

## Европа бозорларига ипак матоли қўйлақлар экспорт қилинапти

Гап мана шундай йирик инвестициявий тадбирлар, улар доирасида олиб борилган музокаралар ва албатта, эришилган келишувлар ҳақида борар экан, Ўзбекистоннинг ҳорижий сармояларни ўзлаштиришга бунинг таъсири қандай бўляпти, умуман олганда, ушбу йўналишдаги ўзгаришлар, қўлга киритилган натижаларимиз қанақа, деган табиий савол пайдо бўлади.

“ТАДБИРКОРДАН — ЭКСПОРТЁРГАЧА” ТАМОЙИЛИ АСОСИДА ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР ДАСТУРИГА МУВОФИҚ, 1 МИНГ 400 ДАН ОРТИҚ МАҲАЛЛИЙ ҚОРХОНАНИНГ МУАММОЛИ МАСАЛАЛАРИНИ ҲАЛ ЭТИШ ОРҚАЛИ УЛАРНИНГ ТАШҚИ БОЗОРЛАРГА ЧИҚИШИ УЧУН ЙЎЛ ОЧИБ БЕРИЛАДИ.



Авалло, шунинг алоҳида қайд этиш ўринлики, сўнгги йилларда яратилган қўлай бизнес муҳити туфайли ҳорижий ишбилармонларнинг юртимизда тадбиркорлик фаолиятини олиб боришга қизиқиши ортиб бормоқда. Буни биргина 2022 йилда ушбу йўналишда амалга оширилган ишлар ва қўлга киритилган натижалар мисолида ҳам кўриш мумкин. Жумладан, ўтган йили 11,9 миллиард долларлик ҳорижий инвестициялар ўзлаштирилиб, белгиланган прогноз 102 фойизга бажарилди. Бунинг 10,1 миллиард доллар туғридан-туғри ҳорижий инвестиция ва кредитлар ҳиссасига туғри келди.

Инвестициялар, саноат ва савдо вазири ўринбосари Ойбек Ҳамроевнинг айтишича, ўтган йили туғридан-туғри ҳорижий инвестиция ва кредитлар буйича тармоқ қорхоналари томонидан 4,4 миллиард доллар ҳамда ҳудудий лойиҳалар буйича 5,7 миллиард доллар маблағ ўзлаштирилди.

Ушбу йўналишда жалб этилган инвестицияларнинг тармоқ ва ҳудудлар бўйича таҳлили шундан далolat берадики, кимё саноати (1,9 баробар), энергетика (1,8 баробар) ва кон-металлургия (1,2 баробар) соҳаларида 2021 йилга нисбатан юқори ўсиш суръатлари қузатилган. Ҳудудлар бўйича эса асосий ўсиш Самарқанд (2 баробар), Андижон (1,6 баробар) ва Фарғона (1,3 баробар) вилоятлари ҳиссасига туғри келмоқда.

Бунинг билан бир қаторда, юртимизнинг экспорт салоҳиятини оширмоқда. Буни ўтган йили товар ва хизматлар экспортини 15,5 миллиард долларга етиб, бу борадаги ўсиш 124 фойизни ташкил этгани мисолида ҳам кўриш мумкин. Экспорт ҳажми асосан, тўқимачилик (3,2 миллиард доллар), электротехника (807 миллион доллар), қурилиш материаллари (611 миллион доллар) каби тармоқлар ҳисобига туғри келди.

Экспорт географияси 52 та давлат бозорлари ҳисобига кенгайтирилиб, Италия ва Латвияга ипакдан аёллар қўйлағи, Камерунга мис сым маҳсулотлари, Туркия ва Эронга тикув машинаси, Молдовага кир юғиш машинаси, Исроилга миллий чөлгу асбоблари, Кореяга мош



Инвестиция дастурлари доирасида 6,2 миллиард долларлик 304 та йирик ва муҳим аҳамиятга эга ҳамда 6,6 миллиард долларлик 12 миң 382 та ўрта ва кичик лойиҳалар ишга туширилиши ҳисобига 305,9 миңга янги иш ўрни яратилди.

Масалан, Тошкент вилояти Қўрай туманида қуввати 230 ва 240 МВт бўлган иккита иссиқлик электр станциясининг қуриш лойиҳаси ишга туширилди. Қўймаги 270 миллион долларлик мақзур лойиҳа ҳисобига 160 та янги иш ўрни яратилди. Самарқанд вилояти Ургут туманида эса “FEREXPO” масъулияти чекланган жамияти томонидан йилгига 3 миң дон соғувтиқ ишлаб чиқариш лойиҳаси (қиймати 7 миллион доллар)нинг ҳаётга татбиқ этилиши натижасида 85 та янги иш ўрни вужудга келди.

Ҳудудларда бу каби қўллаб-қувватлаш янги ишлаб чиқариш қувватларининг ишга туширилиши аҳоли бандлигини таъминлаш, фаровонлигини ошириш, олис ва чекка туман ва қишлоқларда ҳам саноатни ривожлантиришга замин яратиши билан бир қаторда, юртимизнинг экспорт салоҳиятини оширмоқда.

Бунинг билан бир қаторда, юртимизнинг экспорт салоҳиятини оширмоқда. Буни ўтган йили товар ва хизматлар экспортини 15,5 миллиард долларга етиб, бу борадаги ўсиш 124 фойизни ташкил этгани мисолида ҳам кўриш мумкин. Экспорт ҳажми асосан, тўқимачилик (3,2 миллиард доллар), электротехника (807 миллион доллар), қурилиш материаллари (611 миллион доллар) каби тармоқлар ҳисобига туғри келди.

Экспорт географияси 52 та давлат бозорлари ҳисобига кенгайтирилиб, Италия ва Латвияга ипакдан аёллар қўйлағи, Камерунга мис сым маҳсулотлари, Туркия ва Эронга тикув машинаси, Молдовага кир юғиш машинаси, Исроилга миллий чөлгу асбоблари, Кореяга мош

уни ҳамда Анголага автомобиль эҳтиёт қисмлари етказиб бериш илк бор йўлга қўйилди.

## Инвестиция дастурлари доирасида 318 миңдан ортиқ янги иш ўринлари яратилади

2023 йилда 13,2 миллиард доллар миқдорда ҳорижий сармоялар, шу жумладан, қарийб 11 миллиард доллар туғридан-туғри ҳорижий инвестицияларни ўзлаштириш режалаштирилган. Ҳудудларда 23 миллиард долларлик 12 миңга янги лойиҳа, жумладан, 3 миңдан зиёд саноат лойиҳалари ишга туширилиши белгиланган.

Жорий йил биринчи чорагида 800 миллион долларга яқин ҳорижий инвестиция ўзлаштирилиб, 1 миң 300 та йирик ва ўрта лойиҳалар ишга туширилган. Экспорт ҳажми эса 3 миллиард долларни ташкил қилган.

Давлатимиз раҳбари шу йил 27 март кунини инвестиция, экспорт ва халқаро ҳамкорлик масалалари бўйича ўтказилган йилгилашда бу натижалар етарли эмаслиги, дунёдаги ҳозирги мураккаб вазиятда икки қарра кўпроқ ҳаракат қилиш кераклигини таъкидлади.

Дарҳақиқат, бугун ҳориждан ускуналар келтириш, маҳаллий маҳсулотларни ташқи бозорларга олиб чиқишда логистика масалалари кундан-кунга долзарб бўлиб бормоқда. Шу боис, Президентимиз ишга тушадиган лойиҳалар ижросини ҳудудлар ва тармоқлар кесимида қўнунли назорат қилиб, муаммоларни ҳал қилиб бориш зарурлиги юзасидан топшириқлар берди.

асосида бозор нарҳида жамоат эҳтиёжлари учун қайта сотиб олиши мумкин. Яъни ер “снос”га тушиб кетмайди, давлат ерни келишилган нарҳда сотиб олган тақдирдагина у қайтарилиши мумкин.

Эркин бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг иқтисодий жараёнларни бошқаришга доир конституциявий вазифа ва функцияларини аниқ белгилаш муҳим аҳамият касб этади. Бу йўналишдаги кенг қамровли ислохотларга қарамай, тадбиркорлик фаолиятга аралашши ёки тўқинлик қилиш каби ҳолатларга ҳануз гувоҳ бўлмоқдамиз. Ҳатто, ушбу ҳаракатлар учун жавабгарлик киритилгани ҳам уларнинг олдини олишга лозим даражада имконият бермаяпти.

Яна бир жиҳат эътиборни тортмай қўймайди. У ҳам бўлса, тадбиркор учун ўз фаолиятининг йўналишини мустақил равишда танлаш қанчалик аҳамиятли, деган саволнинг аниқ ва қисқа жавобидир.

Биринчидан, бу тадбиркорлар учун иқтисодиётнинг барча соҳа ва тармоқларида фаолият юритиш имкониятини тақдим этади. Бунда муайян фаолият билан шуғулланишга қонун ҳужжатлари билан тақиқ қўйилгани талаб этилади, холос.

Иккинчидан, бу тадбиркорларга ўз бизнес стратегияларини бошқалар, давлат органи ва унинг мансабдор шахсларининг ўзбошимчилик билан аралашувисиз ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имкониятини беради.

Янги таҳрирдаги Конституцияимизда монополистик фаолиятни бозор қўнунчилиги амак қилган ҳолда тартибга солиш назарда тутилмоқда. Чунки иқтисодиётдаги ҳар қандай монополашувдан барча бирдек азият чекади: миҳоз ҳам, тадбиркор ҳам, давлат ҳам. Шу боис, давлатнинг монополистик фаолиятга қарши курашишдек муҳим вазифани ўз зиммасига олиши бизнес ҳамжамиятининг ҳам, фуқароларнинг ҳам манфаатига мос келади.

Конституцияимизда ушбу норманинг киритилиши товар ва хизматлар бозорининг барча иштирокчилари учун тенг иқтисодий-ҳуқуқий имкониятлар яратиш орқали тадбиркорлар ўртасида ҳалол рақобатни ривожлантиришга ҳамда ишлаб чиқаришга янгиликларни тезкор жорий этиш орқали самарадорлиги ортишига хизмат қилади.

Бир сўз билан айтганда, киритилаётган мақзур ўзгариш ва қўшимчалар “қонунда тақиқланмаган ҳар қандай фаолиятга рўхсат берилади” тамойили асосида тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солишнинг асосий мезонларини конституциявий даражада мустаҳкамлайди. Шу билан бирга, қонунда назарда тутилган ҳолатларда ерни хусусий мулк қилиб бериш механизмлари амалиётга жорий этилади. Буни халқимиз анчадан буён кутаётган эди.

— Инвестиция дастурларида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш бўйича барча зарур чоралар қўрилмоқда. — дейди инвестициялар, саноат ва савдо вазири ўринбосари Ойбек Ҳамроев. — Айтилиши, экспорт ҳажмининг тўлақонли таъминлаш мақсадида иқтисодиёт тармоқлари, тижорат банклари ва маҳаллий ҳокимлик органларининг масъул раҳбарлари қарийб 1,5 миңга йирик экспортчи қорхоналарга бириктирилди. Ҳар бир экспорт курсаткичлари бажарилиши бўйича қўнунли назорат ўрнатилиб, натижаси ҳар ҳафта муҳокама қилиб борилади.

Бундан ташқари, Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан экспортёр қорхоналарни қўллаб-қувватлаш мақсадида уларга молиявий ёрдам кўрсатиш тизими фаол давом эттирилади. Жумладан, 350 та қорхонага экспортдош молиялаштириш учун 250 миллион доллар молиявий ресурслар ажратилади. 500 та қорхонанинг экспорт қилишда ташқи билан боғлиқ 418 миллиард сўмлик ҳаражатлари қўллаб берилади, яна шунча қорхонага халқаро кўргазма ва ярмаркаларда иштирок этиш ҳаражатлари учун 67,8 миллиард сўмлик молиявий ёрдам кўрсатилади.

“Тадбиркордан — экспортёрга” тамойили асосида ишлаб чиқилган чора-тадбирлар дастурига мувофиқ, 1 миң 400 дан ортиқ маҳаллий қорхонанинг муаммолари масалаларини ҳал этиш орқали уларнинг ташқи бозорларга чиқиши учун йўл очиб берилади.

“Янги Ўзбекистон — рақобатбардош маҳсулотлар юрти” дастури фаол давом эттирилиб, дастур доирасида экспортчи қорхоналар сони 200 тага етказилади ҳамда уларни қўшимча қўллаб-қувватлаш чоралари қўрилади.

Умуман, тадбиркорлик фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, қўлай инвестиция муҳитини яратиш борасидаги ишлар тизимли давом эттирилмоқда. Эътиборли жиҳати, мақзур йўналишдаги савб-ҳаражатлар иқтисодий саноат бера бошлади. Хусусан, сўнгги йилларда чет эл қорхоналари сони 5 миңгадан 16 миңгага қўйилди, ҳар бир туман ва шаҳарга туғридан-туғри ҳорижий инвестициялар кириб кела бошлади.

Мана шуларга мос равишда экспорт қилувчи қорхоналар сони ҳам сўнгги беш йилда 4 миң 500 тадан 7 миң 200 тагача қўйилди. Экспорт қилинаётган маҳсулотлар тури эса 1 миң 500 тадан қарийб 3 миңгагача ошиб, географияси 139 та мамлакатдан 164 тага кенгайди. Юртимизда қўшилган қиймат заنجирини яратиш, хомашёдан тайёр маҳсулот экспортига ўтиш борасидаги амалий ишлар натижасида тайёр маҳсулотлар экспортини 2 баробарга, уларнинг товарлар экспортдаги улуши 50 фойиздан 65 фойизга ошди.

**Ирода ТОШМАТОВА,  
“Янги Ўзбекистон” муҳбири**



ЭЛ-ЮРТ УМИДИ

Ўзбекистон янгиланиш даврининг ғоят муҳим палласига қадам қўйгани билан халқаро ҳамжамият эътибор марказида турибди. Бу мамлакатимиз Конституциясининг янги таҳририда акс этган ғоят инсонпарвар тамойиллар билан боғлиқ сиёсий воқелиқдир.

НИМА УЧУН МУҲИМ?

Конституциявий ислоҳот демократик жараёнларни модернизация қилиш йўлидаги дадил қадамдир



Ламия ХУДОЁРОВА, Буюк Британиянинг Оксфорд университетининг магистранти

Шу боис, кўп миллатли халқимиз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий хоҳиш-иродаси акс этган, яқини етиш арафасида турган конституциявий ислохотлар жараёнига хорижда ишлаётган, ўқитган ёки бошқа сабаблар билан вақтинча она юртидан узоқда яшаётган ватандошларимиз ҳам асло бефарқ эмас. Улар ҳам янги таҳрирдаги Конституцияга киритилган ўзгаришлар, янги боб, модда ва нормалар билан танишиб чиқи, дейишга тўла асосларимиз бор. Чунки конституциявий қонун лойиҳаси электрон платформалар орқали кенг тарғиб қилинди. Қолаверса, мамлакатимизнинг чет элдаги элчихоналари масъуллари томонидан бир қатор тарғибот тадбирлари ўтказилди. Бу ҳақда хориж матбуоти саҳифаларида кўплаб мақолалар эълон қилинди. Биз ҳозир юртимиздан анча олисдамиз. Лекин Ўзбекистонга руҳан яқинимиз.

Бу ерда туриб ҳам ўз конституциявий ҳуқуқимиздан фойдаланиш имконига эгамиз. Бунинг учун давлатимиз чет элларда ҳам ўз фуқароларига шароит ва имконият яратиб берган — референдум уюштуруш ташкил этилган.

Референдум 30 апрель, ақшанба кунига белгиланди. Халқимиз ушбу кундан катта ўзгаришлар кутмоқда. Жумладан, биз ҳам. Фурсатдан фойдаланиб, янги таҳрирдаги Конституциянинг эътиборимни тортган ва янги мақсадлар сари руҳлантириб юборган айрим жиҳатлари ҳақида тўхталмоқчиман.

Конституция мамлакатимизнинг Бош қонуни бўлиб, жамият сифатида биз қадрлайдиган тамойилларни ўзида акс эттиради. Бизнинг амалдаги Конституциямиз 1992 йилдан буён бугунга қадар эришган барча ютуқларимиз асоси бўлди. Лекин бу бош ҳужжат шу кунгача



Таъкидлаш жоизки, дунёнинг ҳеч бир давлатида Конституция "қатъий ҳужжат" сифатида белгиланмаган. У жамиятнинг тараққиёт йўлида ўзгарувчан эҳтиёжларини қондириш учун ривожланиши, мослашиши мумкин. Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, конституциявий ислоҳот янги тушунча эмас.

палатасининг апелляция ваколати бекор бўлди ва Олий суд ташкил этилди. Пировардида, суд ваколатлари парламентдан мустақил органга ўтди. Бу, ўз навбатида, Буюк Британия конституциявий тизимида ошқоралик ва жавобгарликни оширди.

Ўзбекистонда Конституциянинг янги таҳрири лойиҳасини шакллантириш жараёнида 220 мингдан ортиқ таклиф келиб тушгани ҳақида биламиз. Бу рақам эса халқнинг мамлакат келажagini шакллантиришда ўз фикрини билдиришга бўлган аниқ интилишини акс эттиради ва ўзгаришларга эҳтиёж борлигини аниқлатади.

Лойиҳани ишлаб чиқишнинг барча босқичларида кўплаб таклифларнинг оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилиши ислохотлар жараёни шафқатлиги, ҳуқуқнинг ҳар бир фикр ва таклифни тинглашга тайёрлигини, шунингдек, кейинчалик янги таҳрирдаги Конституцияга киритилишини намоян этди.

Мутахассислар келиб тушган ҳар тўртинчи таклиф янги лойиҳада ўз аксини топганини таъкидлади. Зеро, ўзбек халқининг қадриятлари ва устувор йўналишларини тўғри акс эттирувчи,

фуқаролар ва ҳуқуқат ўртасида ишонч-ни мустаҳкамлайдиган Конституцияни яратишда жамоатчиликнинг иштироки муҳимдир.

Конституциянинг янги таҳририга инсон ҳуқуқларига доир кўплаб фундаментал нормалар қўшилди. Хусусан, айбланувчининг ҳуқуқларига оид моддалар кенгайтирилди. Масалан, шахсни қирқ саккиз соатдан ортиқ муддатга суд қарорисиз ушлаб туриш мумкин эмаслиги, қамоққа олишга ва қамоқда сақлашга фақат суднинг қарорига кўра, йўл қўйилиши белгиланди. Шахсининг дахлсизлиги тамойили билан боғлиқ бўлган ушбу модда инглиз жиноят-процессуал ҳуқуқи "Хабеас корпус" институтига мос келади ва бу англо-саксон ҳуқуқий оиласининг кўплаб тизимларида мавжуд.

Бундан ташқари, шахсни ушлаш чоғида унга тушунарли тилда унинг ҳуқуқлари ва ушлаб турилиши асослари тушунтирилиши шарт бўлмоқда. Ушбу мана "Миранда қондаси" ёки "Қонуний оқшантириш" каби қондаларни ўзида акс эттиради. Улар Буюк Британия, Корея, Япония, Австралия, Янги Зеландия ва бошқа давлатларда ҳам мавжуд.

Шу билан бирга, 28-моддада белгиланганидек, "Тумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбисизлигини исботлаши шарт эмас ва исталган вақтда сукут сақлаш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин.

Ҳеч ким ўзига ва яқин қариндошларига қарши гувоҳлик беришга мажбур эмас. Агар шахснинг ўз айбини тан олганлиги унга қарши ягона далил бўлса, у айбдор деб топилиши ёки жазога тортилиши мумкин эмас".

Шахс эркинлиги дахлсизлигини кафолатловчи бу ҳуқуқ турли ривожланган

мамлакатлар, жумладан АҚШ, Буюк Британия, Бельгия, Финляндия, Франция, Германия, Янги Зеландия, Швейцария ва бошқа давлатларнинг конституция ва қонунларида ўз аксини топган.

Таъкидлаш жоизки, Конституция лойиҳасига кўп йиллар давомида мамлакатимизнинг халқаро имижига салбий таъсир кўрсатиб келган болалар меҳнати бутунлай таъкидлаш тўғрисидаги модданинг киритилиши Ўзбекистоннинг халқаро ҳуқуқ нормаларига риоя қилиш ва инсон ҳуқуқлари ҳимоясини кафолатлаш мажбуриятини яна бир қарра тасдиқлайди.

Шу билан бирга, ўзгаришларнинг ҳокимият органларини модернизация қилишга қаратилгани қувонарлидир. Хусусан, Қонунчилик палатаси ҳамда Сенат ваколатларини кенгайтириш парламентнинг роли ва эркинлигини оширишга хизмат қилади. Бу жуда муҳим. Чунки демократиянинг амал қилиши учун қучли, мустақил парламент зарур. Ваколатлари кучайган парламент фуқароларнинг талаб ва муаммоларини ҳал этишда самаралироқ бўлади, қарорлар қабул қилиш жараёнида уларнинг овозини эшитишни таъминлайди.

Ишончим комилки, бу ўзгаришлар назорат ва мувоzanатнинг янада самарали тизимини шакллантиришга хисса қўшади. Демак, айтишимиз мумкинки, конституциявий ислохот мамлакатимиз демократик жараёнларини модернизация қилиш ва такомиллаштириш йўлидаги дадил қадамлардан биридир.

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ

Инсон учун ҳаётда энг муҳим ва зарур омил, шубҳасиз, соғлиқдир. Халқимиз дуога қўл очганида ҳам, аввало, Яратқандан тансиҳатлик сўрайди. Бу бежиз эмас. Одам бетоб бўлса, биринчи навбатда, хотиржамлик ундан узоқлашади. Дунёнинг хузур-ҳаловати, роҳатию фароғати, молу дунёси ҳам кўзига кўринмайди. Шунинг учун, ҳар бир инсон учун соғ-саломат юришдан кўра, кўпроқ эътибор бериладиган муҳим нарсанинг ўзи йўқ.



ХАЛҚНИ РОЗИ ҚИЛИШ СИЁСАТИ тиббиёт тизимида ҳам ўз аксини топмоқда



Мелитжожи ЯҚУБОВ, Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмасининг Жиззах вилояти кенгаши раиси

Президентимизнинг халқимизни рози қилиш сиёсати тиббиёт тизимида ҳам ўз аксини топмоқда. Бу соҳага бўлган эътибор соғлиқни сақлаш тизимини янада такомиллаштириш, ходимлар меҳнатини рағбатлантириш, кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини ошириш, даволашнинг замонавий технология ва усулларини амалиётга кенг жорий этишга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Давлатимиз раҳбари ушбу лавозимга киришган дастлабки кунлардан, биринчи навбатда, тиббиёт соҳасини ислоҳ қилишга эътибор қаратди, тиббиёт ходимлари билан бир неча бор учрашди, уларнинг муаммоларини ўрганди. Бугун эса ушбу сый-ҳаракатлар ўз самарасини бермоқда.

Бошладди. Шунинг ўзи катта бир тарихий воқеа. Олдинлари аҳолимиз касал бўлса, овора бўлиб, Самарқанду Тошкент шифохоналарига қатнариди. Бугун вилоятдаги шифо масканларида даволанмоқда. Эътиборлиси, ушбу филиалларда энг мураккаб турдаги жарроҳлик амалиётлари ҳам бажарилмоқда. Утган йили вилоятда икки марта буйрак кўчириш мураккаб жарроҳлик амалиёти бажарилганининг ўзи ҳудудда тиббиёт қанчалик ривожланганини исботлаб турибди.

Ғаллаорол, Зомин ва Пахтакор туман тиббиёт бирлашмаларининг 3 та туғруқ бўлими негизида туманлараро перинатал марказ, барча шаҳар ва туман кўп тармоқли поликлиникаларида болалар бўлимлари ташкил этилди. Бу билан турли хасталиқларни эрта аниқлаш, ўз вақтида даволаш, хавфсиз туғруқни амалга ошириш имконияти яратилди. Энг муҳими, оналар ва болалар ўлими кескин камайишига эришилди.

Президентимиз ташаббуси билан очилган Қозон федерал университети Жиззах филиали тиббиёт факультети, шунингдек, жорий йил очилиши кўзда тутилган Самарқанд давлат тиббиёт университетининг Жиззах филиали ҳам вилоятимиз аҳолисининг соғлигини мустаҳкамлаш, инсон қадрини юксалтириш йўлида амалга оширилаётган ишларнинг яққол намунасиридир.

Бундан ташқари, оилавий шифокорлик пунктлари, оилавий поликлиникалар ва кўп тармоқли марказий поликлиникаларда кундузги стационар иш вақтининг соат 20:00 гача узайтирилиши ва бу вақтда ишлайдиган шифокор ҳамда ҳамширалар иш ҳақига қўшимча устама тўлаш йўлга қўйилиши ҳам халқимиз саломатлигини ўйлаб қилинган тадбирлардандир.

Тиббиётимизга давлат тиббий суғуртаси тизимининг жорий этилишини соҳадаги инқилобий ўзгаришлардан бири бўлди, десак муболага бўлмайди. Ушбу тизим ҳали тўлиқ жорий этилмаган, босқичма-босқич амалга ошири-

лаётган бўлса ҳам аллақачон ўзини оқлади. Айниқса, суғурта жамғармаси томонидан давлат бюджетни маблағлари ҳисобига имтиёзли гуруҳга мансуб аҳоли вакилларига кўрсатилаётган бепул тиббий хизмат халқимиз учун айна мудао бўлди. Айтиш жоизки, мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида давлат тиббий суғуртаси тизими кириб келиши аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатининг ошишига, янгича молиялаштириш механизмларининг жорий этилишига замин яратди. Ҳар бир жараённинг тўлиқ рақамлаштириш тизимига ўтказилиши эса шафқатлики таъминлаш билан бирга, аҳолининг малакали тиббий хизматдан тез ва сифатли фойдалана олишига кенг имконият яратди.

Утган йили давлатимиз раҳбари соғлиқни сақлаш ходимлари билан учрашувда миллий соғлиқни сақлаш тизимини аҳоли саломатлигини сифат жиҳатидан ахшиллашга хизмат қиладиган юксак малакали замонавий соҳага айлантириш масаласи ҳам, ҳеч шубҳасиз, тўғридан-тўғри амал қиладиган конституциявий қоида сифатида ўз ифодасини топиши зарурлигини, Ўзбекистон фуқаролари Конституцияда белгиланган қўйилган кафолатли тиббий ёрдам турларидан бепул фойдаланиш ҳуқуқига эгаллигини таъкидлаган эди.

Эътиборлиси, ушбу таклифлар янги таҳрирдаги Конституциянинг 48-моддасида ўз ифодасини топди. Яъни ушбу моддада "Ҳар ким соғлиқни сақлаш ва малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмини қонунда белгиланган тартибда давлат ҳисобидан олишга ҳақли.

Давлат соғлиқни сақлаш тизимини, унинг давлат ва нодавлат шакллари, тиббий суғуртанинг ҳар хил турларини ривожлантириш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш чораларини кўради.

Давлат жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, аҳоли ўртасида

соғлом турмуш тарзини шакллантириш учун шарт-шароитлар яратди," деб белгиланмоқда.

Бу билан Конституцияда ҳар бир фуқаронинг кафолатланган тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқини таъминлаш учун соғлиқни сақлаш тизими барча жабҳаси давлат томонидан рағбатлантирилишига оид норма мустаҳкамланмоқда.

Шунингдек, давлат соғлиқни сақлаш тизимини, унинг давлат ва нодавлат шакллари, тиббий суғуртанинг ҳар хил турларини ривожлантириш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш ҳамда одамлар соғлиқини сақлаш ва ҳаёт сифатини ошириш мақсадида соғлом турмуш тарзини юритиш, жисмоний фаоллигини ошириш, спорт билан шуғулланиш учун шарт-шароит яратиш чораларини қириш бўйича вазифаларни ўз зиммасига олмоқда.

Ушбу масалаларнинг Конституцияга норма сифатида киритилиши ҳеч шубҳасиз, мамлакатимизда аҳоли саломатлиги миллий манфаатларимизнинг муҳим таркибий қисми эканлигини билдиради. Ушбу норманинг яна бир аҳамиятли томони шундаки, давлат ўз фуқароларининг моддий аҳолидан қатъи назар, кафолатланган бепул тиббий ёрдам билан қамраб олинишини мустаҳкамламоқда. Бу, айниқса, моддий аҳоли яхши бўлмаган фуқаролар соғлиқини сақлаш учун давлат гамхўрлиги қилишдан тўхтамаслигини аниқлатади. Кафолатланган тиббий ёрдамга оид норманинг белгиланиши аҳоли, оналар ва болалар ўлими, юқумли касалликлар таҳдидини бартараф этишда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Ушбу ишлар самарасида мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси, хусусан, кам таъминланган аҳоли қатламининг малакали тиббий хизматдан фойдаланиши, юртимизда инсон қадри улуғланганидан дарак беради. Айни дамда улар қалбида эл-юртга муҳаббат, эртанги кунга ишонч янада ошишига хизмат қилади.

БУГУННИНГ ГАПИ

Конституциявий ислохотлар юртимиз ва халқимизнинг буюк келажига, айниқса, истиқлол эгалари бўлган ёшлар тақдирига дахлдор муҳим сиёсий жараёндир. Янги таҳрирдаги Конституцияда жамиятнинг барча қатламлари манфаати инobatта олингани алоҳида эътиборга молик. Асосий қонунга киритилган барча янгиллик, биринчи навбатда, инсон манфаатига хизмат қилади, ҳар бир норма аниқ, содда, ҳамма учун тушунарли ифодаланган.

ДАВЛАТ ТАЪЛИМ ФИДОЙИЛАРИНИ ҲАР ЖИҲАТДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙДИ



Дилсўза ЗОИРОВА, Тошкент давлат юридик университети катта ўқитувчиси

Бош қонунимизнинг янги таҳририда ҳар ким ўз ҳуқуқ ва эркинликларини қонунда таъкидланмаган барча усуллар билан ҳимоя қилишга ҳақли экани, фуқаролар бўзилган ҳуқуқ ва эркинликларини, ўзгалар ҳуқуқларини бузмаган ҳолда, мустақил ҳимоя қилиш ҳуқуқига эгаллиги ифодаланган. Бу борадаги нормалар инсон ҳақ-ҳуқуқлари, эркинликлари, қонуний манфаатлари устувор эканини кафолатлайди.

Сўнги йилларда таълим соҳасига алоҳида эътибор қаратилаётгани, таълим жараёнига инновация, замонавий ёндашувлар жорий этилаётгани, айниқса, педагогларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга, уларга зарур шарт-шароитлар яратишга жиддий ёндашилаётгани биз — соҳа вакилларига чексиз қувонч бағишлайди.

Миллат маънавиятини юксалтириш, интеллектуал салоҳиятини оширишда, Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек юксак марраларга эришишда педагоглар, профессор-ўқитувчиларнинг ўрни муҳим. Шу боис, кейинги йилларда

юртимизда ўқитувчи касби мақоми ва обрўсини кўтариш, устозлар қадри, шаъни ва гуруҳини юксалтириш, уларнинг моддий ва ижтимоий қўллаб-қувватланишини таъминлаш, самарали меҳнат фаолияти учун муносиб шароитлар яратиш бўйича кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Конституциямизнинг янги таҳририда ҳам ўқитувчиларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш билан боғлиқ нормалар мустаҳкамланганини ушбу йўналишдаги сый-ҳаракатларни янги босқичга кўтарди. Хусусан, Ўзбекистон Республикасида ўқитувчининг меҳнати жамият ва давлатни ривожлантириш, соғлом, баркамол авлодни шакллантириш, тарбиялаш, халқнинг маънавий ва маданий салоҳиятини сақлаш ҳамда бойитишнинг асоси сифатида эътибор этилиши, давлат ўқитувчиларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ва моддий фаровонлиги, касбий жиҳатдан ўсиши тўғрисида гамхўрлик қилиши ўз ифодасини топди.

Ушбу нормалар жамиятимизда устоз-педагогларнинг шаъни ва обрўсини янада юксалтириш, уларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш каби азалий қадриятларимиз бардавонлигини таъминлашга замин бўлади. Қолаверса, давлат таълим фидойиларини ижтимоий-моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашнинг ўз зиммасига олиши, уларнинг ўз устида ишлаши, касбий тажриба ортириши учун гамхўрлик қилиши минглаб устоз-мураббийлар учун катта рағбат, мотивация бўлади.

Тараққиётнинг янги даврида ҳаётбахш ислохотлар самарадорлигини ошириш турли соҳаларда етук мутахассислар тайёрлаш билан чамбарчас боғлиқ. Шундай экан, жамиятимиз ҳаёти ва тараққиёти йўлида камбарбаста бўладиган бундай кадрларни тайёрлашда ўқитувчи-педагогларнинг касбий фаолиятини юксалтириш, жамиятдаги ўрни ва обрўсини ошириш ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Бу борада янги таҳрирдаги Конституциямиз мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.





# ҚУЁШГА ҚАРАБ ОҚҚАН СУВ

## ёхуд Ўзбекистон халқ шоири

### Муҳаммад Юсуфнинг ўчмас хотираси шуълалари

Миллат руҳиятидаги нурли силсилаларни теран англайдиган, дарду ғамини ўз қалби пўртаналарида тоблайдиган асл шоирлари бор халқ бахтлидир. Ҳақиқий ижодкорнинг туғилиши кўклар осмонда чақинлар дунёга келиши мисол бир илоҳий ҳодисадирки, бу ҳолатнинг сир синоати Яратганнинг ўзигагина маълум. Устозларимиз таъкидлаганидек, шоирлар осмону фалакда пайдо бўлиб, ерда яшайдилар, деган эски нақл ҳам наврўз каби яп-янги туолади. Бу иктибосимизнинг маънисини шуки, жафокаш заминда одамзод бошига нимаики тушса, неки жабру ситамлар унинг инсондай яшашига дахл қилса — барча-барчаси шоир юрагини тимдалаб ўтади.



Израффер Абдуллаев олган суратлар.

МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИШ ОРҚАЛИ ВИДЕОЛАВҲАГА ЎТИНГ.



Ўзбекнинг ўзидай содда, меҳмондўст ва чапани ижодкори, Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф ҳаёт бўлганида бугун 69 баҳорни қарши олган ва яна қанчадан-қанча кўнгилларни забот этувчи шеърлар ёзган бўлар эди. Шоир шеърлари чиндан ҳам бетакрор, самимий, дилга яқин. У қисқа, аммо мазмундор ижодида Ватанга чекиз муҳаббатини баралла қуйлади. Мисралари қўшиқларга айланди.

Жўшқин сатрларида Ватан ишқини мужассам этди.

Шоирнинг Адиблар хиёбонида ўрнатилган ҳайкали пойида таваллуд куни муносабати билан “Улуғимсан, Ватаним” деб номланган адабий-бадий кеча бўлиб ўтди. Унда ёзувчилар, шоирлар, ўқитувчи-педагоглар, талаба-ёшлар иштирок этди.

— Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф том маънода ўз халқи,

эп-юртининг дарди-армони билан яшайди, — деди тадбирда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид. — Унинг қисқа ҳаётида шеър ёзмаган, изтироб, дардларини қоғозга тўкмаган бирор куни йўқ эди. Мудом ўйчан, ўз хаёллари ва руҳий дунёси билан банд, ҳамisha “қовургасининг остида йиғлаётган кўми”си билан ич-ичидан суҳбат қилиб юргандай бўларди. Аслида бор гап ҳам шу. Муҳаммад Юсуф том маънода миллий шоир, шу билан бирга, умумбашарий эзгу ғояларни тараннум этгани билан байналмилал ижодкор ҳамдир. Унинг инсоният бошига офат келтиргувчи ёвузликлар, балою қазо ва уруш қулфатларининг фожиавий оқибатлари, тинчлик ва омонликнинг кадр-қиммати ва шукронаси тасвирланган шеърлари ижодининг салмоқли қисмини ташкил этади. Шу босис, бошқа эллар, ўлкаларда, қардошлар ва тилдошлар диёрида ҳам унинг шеърларини севиб ўқишади.

Тадбирда филология фанлари доктори, профессор Маъруфжон Йўлдошев таржимасидаги “Эй дил” достони ҳамда Баҳодир Исонинг тарих фанлари доктори Иқромиддин Остонакулов томонидан нашрга тайёрланган “Муҳаммад Юсуф” достони тақдироти ҳам бўлиб ўтди.

Адабий кечада шоирнинг инсонийлик фазилатлари, у билан боғлиқ илқ кечинмалар тилга олинди, “Ватаним”, “Она тилим”, “Лолақизгалдоқ”, “Онамга хат”, “Иқро” каби қатор шеърлари ёддан ўқилди. Унинг шеърини мангуликка дахлдорлиги таъкидланди. Айниқса, шоир қаламига мансуб шеърлар асосида ёзилган қўшиқлар иштирокчилар томонидан катта оқшлар билан қутиб олинди.

Кечада шоирнинг рафикаси Назира ас-Салом сўзга чиқиб, бугунги кунда Муҳаммад Юсуф ижодини кенг ўрганиш, унинг номини абадийлаштириш йўлида амалга оширилаётган ишлар, Ёзувчилар уюшмасида унинг шеърини таътиб ҳамада бирга ўтган ҳаётий хотиралари ҳақида гапириб берди.

Самимиятга йўғрилган хотиралар шуъласи устоз шоирнинг “Қуёшга қараб оққан сув, онамдек эриб боққан сув” мисраларини ёдимишга солди. Зеро, шу улуг Ватан равнақи, муқаррам ва азиз халқининг дарди, меҳру муҳаббатини билан қалам тебратган ижодкорнинг ўлмас мисралари ҳақида қалбларни чин инсонийлик туғилули билан нурлантириши шубҳасиздир!

**Мухтасар ТОЖИМАТОВА,**  
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**

## ДИЛ АШЪОРИ

# Элида алёри қолур...



**Мансур ЮНУС,**  
**Давлат бошқаруви академияси кафедраси мудири, доцент,**  
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси**

Муҳаммад Юсуф. Бу дилбар инсон номини эшитганда эрк ва муҳаббат, хокисорлик ва оқибат қўшиғи гавдаланаверади. Бу хассос шоир табиатан шундай катта қалб эгаси эди. Шеърлари шунчаки сўзлардан, қофиялардан иборат эмасди, қалбларга инжа туйғулар соладиган, ўртайдиган, дил торини чертадиган майин куй бўлиб янграйверади. Бу чинакам шоирнинг илҳомини, чинакам илҳом махсули эди.

хузуридаги лицейда ўқиган палларда учрашганим ва шогирд тутиганим. Ушанда устоз қўлимга кичкинагина қоғоз парчасини тўтқизгани: “Ж.Неру кўчаси, 1-уй, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси. Муҳаммад Юсуф.” Шу бир парча қоғоз ҳаётимда туб бурилиш ясаган. Математика ва физика чуқурлаштирилиб ўқитилганидан лицей ўқувчиси қалбига журналистикага, адабиётга қизиқишни янада кучайтирган. Орзуларимга қанот боғлаган, десам муболага қилганам бўламан.

Бу устоздан дуолар, насиҳатлар олдим. Бирор марта қойилмаган, чиройли сўзлар, гўзал тилаклар билан ёшларни қутиб олди. Мени “Қашқадарёнинг қора мағизгина боласи”, деб эрқаларди. Мана шу эрқалиқлар, шу дуолар ижобат бўлди.

Муҳаммад Юсуфдан эрка кийик армонлари, қизгалдоқ садолари, капалак меҳрибонлиғи йўлбарс жасоратини, халққа меҳр ва оқибатни, муҳаббатни, Ватанга садоқат каби улугвор туйғуларни поэтик овозда баралла қуйлай олиш машини ўргандим.

“Халқ бўл элим” шеърда бир миллат, бир давлат бўлиб, оғанини, опа-сингил бўлиб тарихни севиб, бугунки қадрлар ва келажакни яратишга ундаган сўзлар меҳнатқаш халқимиз қалбидан жой олди. Тилдан-тилга кўчи, дилларга гўзаллик ва одамийлик уруғини соча олди. Ўзбекистон Қаҳрамонлари — Озод Шарафиддинов,

Абдулла Ориповнинг меҳрига тушган, уларни ижоди билан мафтун этган шоир қалбидан содда ва хокисоргина руҳ бор эди. Ўзбекистон халқ шоири Халима Худойбердиева айтганидек, “Муҳаммад Юсуфдан ўйнаб-ўйнаб ёзган шеърларни кўпчилик ўйлаб-ўйлаб ёзди. У меҳрибон ва табиатни севадиган шайдо эди”. Ҳақиқатан, ундан олган насиҳатлар, суҳбатларимиздан кўп маъно ашлар эдим.

Устоз ҳозирги Давлат бошқаруви академиясида ҳам таълим олган. Инглиз тили ўқитувчимиз Гулнора опа устозни чиройли таърифлаб берар эди: “Мен инглиз тилини билмайман. Билишимам хоҳламайман. Она юртимдан бошқа жойга боришни истамайман. Мендан шеър суранг, айтиб берай, Навоийни суранг, Пушкинни суранг, Бедилни суранг”.

Ўз она тилини севган, ўзбек тили қадрини ардоқлаб, унга атаб кўплаб номлар ёзган шоирни бугун ҳамма танийди, ҳамма билади. Қўрмаган одам ҳам қўргандек гапириб беради. Шеърини ўзига, ўзи эса шеърига ўхшаган шоир эди.

*Парижнинг энг гўзал ресторанининг, Битта тандирининг алишмасман мен.*

Ватанин севиш борасида битта инсон қалби шунча дебди-да. “Улуғимсан, Ватаним” шеърда ҳам шоир тарихни яхши билгани, уларни ижодида

рўй-рост келтиргани ва Ватан учун сўзга шохи атлас кийдириб, ҳарир либосдаги келинчак мисол оппоқ туйғуларга ўраганини кўрсан, ўқиганининг сари эстетик завқ олсан киши.

*Мен дунёни нима қилдим, Ўзинг ёруғ жаҳоним,*

*Ўзим хоқон, Ўзим султон,*

*Сен тахти Сулаймоним.*

*Ёлғизим, ягонаим дейми,*

*Топилган қошонам дейми,*

*Ўзинг менен улуглардан,*

*Улуғимсан, Ватаним.*

Мана шоирнинг шеърдаги ҳақиқатлари:

*Сен билан ўтган ҳар кун байрам-базм,*

*Сенсиз бир он қолсам, раҳимим келади.*

*Сени билганларга қиламан таъзим,*

*Сени билмасларга раҳимим келади.*



Қайси мавзуга қўл урмасин, ўша мавзунинг энг баланд пардаларда қуйилган шоир. Сўзининг юқини, қудратини ва заволини англаган қалб шундай илҳомга эга бўлади.

Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф хотираси учун Андиқонда катта ўзгаришлар қилинди. Унинг издошларининг қашқадарёлик Муҳаммад Юсуф ижод мактаби барпо этилди ва мухташам хайкали қад ростлади. Тугилиб ўсган Марҳамат тумани Қовунчи қишлоғида уй-музейи очилди. Болалиқда таълим олган мактаби шоир номи билан атала бошлади.

Тошкентдаги Адиблар хиёбонида ҳам шоир хайкали ўрнатилди. Ижод аҳли ва ёшларимиз, юртдошларимиз сайилларда улуг шоирга эҳтиром кўрсатади. Муҳаммад Юсуф фондида шоир ижодини абадийлаштириш учун “Олтин қалам” газетаси фаолият кўришмоқда. Рафикаси шоира Назира ас-Салом бугун шоирдан қолган бу дурдона асарларни халқимизга етказишда камарбаста бўлмоқда. Шоирнинг олтин қаламининг бугун қизи Мадина Муҳаммад Юсуф олганидан севишим. Устознинг айтилмаган сўзлари Мадина орқали мухлислар қалбига тошқин дарё бўлиб қиришда давом этажак.

Шоирнинг таваллуд кунини Марҳамат кўчалари тумани одамига, айниқса, ёшларга тўлиб-тошади. Қўшини Қозғистон, Тожикистондан ҳам меҳмонлар зиёратга кела бошлайди. Устоз шоирнинг ўзи айтганидек, “Андиқоним гулга тўлади, обод бўлади”. Болалиқда ўша қўл силкитиб шоирни қузаиб қўйган таниш тераклар, тўлиб оққан ариқлар лабидида ялпизлар ва бўлбулларнинг шўх ялласи, тойчоқ бўлиб кишига қелган сомон йўллар сизни қутиб олади:

*Капалакқон, меҳрибонгинам,*  
*Қизгалдоқнинг қўлидан тутгин.*  
*Марҳаматга шошил ушиб дам,*  
*Муҳаммадни зиёрат этгин.*  
*Ахир сени севиб, эрқалаб,*  
*Пешонангни қўйган лабига.*  
*То қиемат хилпираб тургин,*  
*Коклигини ёйиб қабрига.*

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК

Бош муҳаррир:

**Салим ДОНИЁРОВ**

МУАССИС:  
Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси

Таҳририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташиқлот жавобгар.  
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.  
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.  
Босмаҳона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.  
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** Г-446.  
11413 нусхада босилди.  
**Ҳажми** — 3 табоқ. **Офсет усулида** босилган. **Қоғоз бичими** А2. Баҳоси келишилган нарҳда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.  
Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Абдурауф Қоржовов  
Мусахҳих: Милоҳат Мингбоева  
Дизайнер: Зафар Рузиев

Манзилими:  
100029, Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй